

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУБАЕВА ШОИРА ТОШМУРОДОВНА

**ЎЙИН ВА ИННОВАЦИОН ТАФАККУР
(онтологик ва гносеологик таҳлил)**

09.00.01-Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philosophical sciences**

Кубаева Шоира Тошмуродовна

Ўйин ва инновацион тафаккур (онтологик ва гносеологик таҳлил)..... 5

Кубаева Шоира Тошмуратовна

Игра и инновационное мышление (онтологический и
гносеологический анализ) 17

Kubaeva Shoira Tashmuradovna

Game and innovation thinking (ontological and epistemological analysis)..29

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 33

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУБАЕВА ШОИРА ТОШМУРОДОВНА

**ЎЙИН ВА ИННОВАЦИОН ТАФАККУР
(онтологик ва гносеологик таҳлил)**

09.00.01-Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қўшоқов Шухрат Солиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Бахтиёр Раҳманович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Туленова Карима Жондоровна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д, профессор

А.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., доцент

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган глобал ўзгаришлар компьютер инқилоби шароитида инсон тафаккурида ноанъанавий фикрлашга асос бўладиган ўйин моделларини шаклланишига, виртуал оламнинг онтологик асосларининг яралишига олиб келди. Ҳозирги замон жамиятида содир бўлаётган бир қатор ўзгаришлар, хусусан, соҳавий фаолият йўл хариталари, масофавий виртуал мулоқот, “электрон ҳукумат” фаолияти, янги ижтимоий роллар (имиджмейкер, модераторлик) ўйин феноменида сифат ўзгаришларини ясамоқда. Бундай шароитда инсон, жамият ва цивилизация тараққиётини, унинг айрим хислатларини ўйин модели ва назарияси тушунчалари ҳамда тамойиллари асосида тадқиқ қилиш, шундан келиб чиққан ҳолда ўйин феноменининг полифункционал моҳияти ва ижодий маҳсулдорлик аҳамиятини кўрсатиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон фалсафий тадқиқотлар тизимида ўйин ва инновацион тафаккурнинг кореляцион боғлиқлигини тадқиқ этиш, уларнинг интеллектуал-креатив жиҳатларини махсус ўрганиш илмий-амалий ва назарий аҳамиятга эгадир. Классик ва ноклассик фалсафада ўйин феноменининг эстетик, психологик ва педагогик жиҳатларини ўрганиш устувор аҳамиятга эга бўлиб, постноклассик фалсафада мазмунан полисемантик хислатга эга ўйин тушунчасини метафалсафий тушунишга қаратилган фалсафий, илмий-назарий ва методологик таҳлили амалга оширилмоқда. Ўйин жараёнида намоён бўладиган инновация, тил ҳамда тафаккурда маъно-мазмунларнинг комбинацияси ва ўйини, уларнинг трансформацияси ҳозирги замон ижтимоий-гуманитар фанларида жиддий тадқиқ қилинмоқда. Ўйин феноменининг замонавий фалсафий ва илмий тадқиқотини инновацион тафаккур методологияси асосида амалга ошириш, инновацион-интеллектуал фаолиятнинг ўйинли хислатларини очиб бериш имкониятини беради.

Мамлакатимизда кенг кўламдаги ислохотларни амалга ошириш барча соҳаларда инновацион ёндашув ва тафаккур тарзини шакллантиришни талаб қилмоқда. «...Буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак»¹лиги таъкидланмоқда. Бундай вазифаларни амалга ошириш жараёнида асосий фаолият турига айланиб бораётган инновацион ғоялар ва ёндашувларни ишлаб чиқишга нисбатан ўйин назарияси, унга оид концептуал моделлар назарий ва методологик асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун фалсафада ўйин феноменининг мазмун-моҳияти, тафаккурнинг ўйинли хислатлари, уларнинг инновацион тафаккурда намоён бўлиши ҳамда ўйин ва инновацион тафаккурнинг ўзаро креатив алоқадорлигининг мазмунини очиб бериш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

¹Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2.-Тошкент: Ўзбекистон, 2018. Б-88.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонининг “4.4.Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш”, “4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” бандлари, шунингдек, 2017 йил 30 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ПҚ-3305-сон, “Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон қарорлари ҳамда шу соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “I.Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўйин феномени ҳақидаги дастлабки қарашлар Қадимги Юнонистон файласуфлари (Платон, Аристотель), кейинчалик XVI-XIX асрларда Гарб мутафаккир Н.Кузанский, Ян Коменский, Т.Гоббс, И.Кант, Ф.Шиллер ва бошқалар томонидан ривожлантирилган. Фақат XX асрда ўйин хусусидаги тасаввурлар концептуал тизим даражасига кўтарилди. Ўйиннинг классик концепциясини ишлаб чиққан олимлардан И.Хейзинга уни маданият феномени сифатида олиб қарайди. Ҳозирги пайтгача яратилган ўйин концепциялари, ўйиннинг илмий ва фалсафий жиҳатлари, асосан, классик ва ноклассик парадигмалари доирасида ишлаб чиқилган (И.Хейзинга, Хуго Ранер, О.Финк, Р.Льюис, Э.Бёрн, К.Аксельс, Дж.Нейман, Б.Саттон-Смит, Д.Винникотт, Н.Т.Казакова, Л.Т.Ретюнских, Т.А.Апинян, А.В.Антюхина, В.М.Демин, Н.И.Степанов, Р.Р.Ильясов, В.С.Хазиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида)².

Шарқ алломалари (Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Кайковус, Умар Хайём, Амир Темур, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Зайниддин Маҳмуд Восифий ва бошқалар) маънавий меросида ўзбек халқ ўйинлари, оммавий спорт ўйинлари хусусида илмий фикр ва қарашлар мавжуд.

Республикамизда ўйин тушунчаси, унинг турлари ва хусусиятлари бўйича Н.Шермухаммедованинг³ фалсафага оид ўқув қўлланмаларида, У.Қорабоев, О.Сафаровларнинг⁴ рисолаларида маълумотлар келтирилган. Ўйин, унинг фалсафий моҳияти ва интеллектуал-креатив хислатлари бўйича монография, рисола ёки мақола деярли учрамайди. Кўпчилик адабиётлар

² Хейзинга Й. Человек играющий. - М.: Наука, 1992.,- С. 416., Ильясов Р.Р. Философия человеческой игры. Монография / Р.Р. Ильясов, Г.Г.Муфтиев. - Уфа: УИ РГТЭУ, 2005. – 166 с., Кайуа.Р. Игры и люди. - М.: ОГИ, 2007. - С -304., Ретюнских Л.Т. Философия игры. - М.: Вузовская книга, 2002.- 256 с.,

³Шермухаммедова Н.Фалсафа ва фан методологияси.-Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети нашриёти, 2005. –Б 19.

⁴Қорабоев У./Одатнома/.Ўзбек халқ одатлари: Тадрижи ва турлари.-Тошкент, 2016.-360 б., Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. – Т: “Шарқ”, 2013.-3 б.

асосан педагогик ва таълим жараёнига оид ўйинларни тадқиқ қилишга бағишланган⁵. Махсус фанлар доирасида (масалан, иқтисодиёт, педагогика ва математика йўналишларида) ўйин феноменининг соҳавий концепциялари ва назариялари ишлаб чиқилган. Аксарият чоп этилган ишларда ўйин маданият универсалийси ва инсон эркинлигининг шакли сифатида талқин қилинган. Ўйин муаммосининг методологик, эпистемологик ва метаназарий аспекти бугунги кунда етарли даражада тадқиқ этилмаган соҳа бўлиб турибди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Самарқанд давлат университетини 2017-2030 йилларда ривожлантириш дастури”нинг 2.5 бандига асосан ва Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ “Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўйин ва инновацион тафаккурнинг онтологик ва эпистемологик томонларини кўриб чиқиш, ўйин феноменининг полифункционал хусусиятларини ҳозирги замон ўйин назариялари асосида, унинг инновацион тафаккурда намоён бўлишининг фалсафий таҳлилин амалга ошириш.

Тадқиқот вазифалари:

ўйин феномени хусусида ишлаб чиқилган қарашлар ва ғоялар эволюцияси, унинг хусусияти ва функцияларини ҳозирги замон постноклассик фалсафа ва фан тушунчалари ҳамда тамойиллари асосида ёритиш;

ўйин феноменининг номаҳсулдор ва маҳсулдор хусусиятлари тўғрисидаги қарашларни қайтадан таҳлил қилиш, шу асосда назарий ва методологик хулоса ва умумлашмалар ишлаб чиқиш;

ўйиннинг фалсафий концепциясини ишлаб чиқиш, ўйин феноменини ўрганишнинг онтологик, гносеологик ва амалий-технологик томонларини очиб бериш;

ўйин назариялари, уларнинг гносеологик, методологик ҳамда умумилмий мазмуни ва функцияларини тадқиқ қилиш;

ўйин ва инновацион тафаккур талқини, уларнинг ўзаро креатив алоқадорлигини очиб бериш;

ўйин ва инновацион тафаккур, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, фан ва амалиётда намоён бўладиган ва креатив-унумдорлик функцияларини ҳозирги замон фалсафий-методологик ёндашув даражасида ўрганиш, технологик ва функционал тавсифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ўйин ва инновацион тафаккур феномени, уларнинг нисбати ва алоқадорлиги.

⁵ Ғозиев Э. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти – Тошкент, 2010. – Б. 92-97; Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. Тошкент, :Noshir, 2010, - Б.111-135.

Тадқиқотнинг предмети ўйин феноменининг онтологик, эпистемологик ва креатив томонлари, тафаккурдаги ўйинли хислатлар, уларнинг инновацион тафаккурда намоён бўлишини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда танқидий-рефлексив таҳлил (фалсафий муҳокаба), объективлик, инновацион ва тизимли ёндашувлар, мавҳумлаштириш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

классик, ноклассик ва постноклассик фалсафада ўйин феноменининг культурологик, психологик, методологик жиҳатларини ўрганишнинг эвристик ҳамда функционал мақсад ва вазифаларининг ўзгариб бориши асосланган;

ўйин феноменининг продуктив кўриниши бўлган регулятив, ривожлантирувчилик, компенсаторлик, рақобатли, яратувчанлик хислатлари инновацион тафаккур шаклланишига олиб келиши асосланган;

инновацион тафаккурнинг онто-эпистемологик ва эвристик жиҳатлари нозикчилиги, ҳамкорлик, интерфаоллик, семантик хилма-хиллик тамойиллари асосида очиб берилган;

инновацион тафаккурнинг дивергент ва конвергент асослари интеллектуал ўйинда конструктив ва қарор қабул қилиш тарзида намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўйин ва инновацион тафаккур феноменларининг моҳият-мазмуни, уларни ўрганишга доир ёндашувларнинг диахроник, онтологик, эпистемологик ва категориал таҳлили бир бутун концепция даражасида амалга оширилган;

ҳозирги замон фан ва фалсафада шаклланган талқинлар ва ёндашувлар умумлашмаси бўлган ўйин ғояси ишлаб чиқилган, унинг назарий, методологик, когнитив ва регулятив асослари далилланган;

ижтимоий ҳаёт, иқтисодиёт ҳамда фанда ўйин фаолияти ва инновацион тафаккурнинг намоён бўлиш муаммоларини ўрганиш борасида ўйин концепциясининг методологик, технологик, функционал ва прогностик хусусиятлари очиб берилган ва уларга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий аҳамияти унинг натижалари кишиларнинг тафаккур тарзини янгилаш муаммоси бўйича жамиятимиз олдига қўйилган муҳим масалаларни ижодий ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ундаги интеллектуал-эвристик жиҳатларини кўриб чиқиш инновацион тафаккур

концепциясининг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Ўйин ва инновацион тафаккур ўртасидаги боғланишни ўрганиш таълим, амалиёт ва тадбиркорликнинг турли соҳаларида инновацион-эвристик ўйин моделларини ишлаб чиқишда назарий ва лойиҳавий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўйиннинг фалсафий концепцияси, ўйин назарияси ва инновацион тафаккурни ўрганиш ҳамда шакллантиришда, олинган натижалар иқтисодиёт, фан ва таълимнинг турли соҳаларида вужудга келган конструктив муаммолар, жорий этилаётган кўп вариантли ва альтернатив лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга ошириш имкониятини беради. Тадқиқот хулосаларидан турли муассасаларда мавжуд бўлган инновацион тадбиркорлик бўлимлари фаолиятининг методологик замини сифатида ижодий фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган креатив технологик лойиҳа ва тавсияларни жорий этиш мумкин. Диссертациянинг яна бир амалий аҳамияти шундаки, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида «Фалсафа», «Илмий-тадқиқот методологияси», «Инновацион менежмент» курсларини ўқитишда интерактив усулларнинг назарий ва методологик асоси сифатида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўйин ва инновацион тафаккурнинг ўзаро алоқадорлиги муаммоси, унинг онтологик ва гносеологик аспектиларини тадқиқ этиш асосида:

классик, ноклассик ва постноклассик фалсафада ўйин феноменининг культурологик, психологик, методологик жиҳатлари функционал ўзгариб боришига доир хулосалардан Ёшлар иттифоқи фаолиятида кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий Кенгашининг 04-13/1905 - сон маълумотномаси). Натижада, ўйин технологиялари ва сценарийлар тайёрлаш, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ишларида илмий ходимларнинг инновацион тафаккурини юксалтиришга, инновацион ғояларни ривожлантиришга оид ишлар самарадорлигининг ошишига эришилган;

ўйин феноменининг продуктив кўриниши бўлган регулятив, ривожлантирувчилик, компенсаторлик, рақобатли, яратувчанлик хислатлари инновацион тафаккурнинг шаклланишига олиб келишига оид хулосалардан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган ЁА-1-17- сон “Катта авлод вакилларининг комил инсонни тарбиялашдаги ўрни ва ролини оптималлаштириш имкониятларини илмий-амалий тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги №89-03-4303- сон маълумотномаси). Натижада, катта авлод вакилларининг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни ва ролини оптималлаштириш имкониятлари ўрганилди ҳамда комил инсонни тарбиялаш жараёнида креатив, функционал ва педагогик ўйиннинг ижобий таъсир этувчи жиҳатлари аниқланган;

инновацион тафаккурнинг онто-эпистемологик ва эвристик жиҳатлари ночизиқлилиқ, ҳамкорлик, интерфаоллик, семантик хилма хиллик тамойиллари орқали асосланиши ҳақидаги хулосалардан ҳозирги замон

маънавий ишлаб чиқариш шароитида инновацион тафаккурни асосий фаолият турига айлантириш, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва маънавий-маърифий тарғиботда ўйин фаолиятининг проектив амалиётда намоён бўлиши, бу фаолиятнинг прогностик (илмий башорат) жиҳатларидан Республика Маънавий ва маърифат марказида фойдаланилди (Республика маънавий ва маърифат маркази 02/015-1296-18-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, “Ҳаракатлар стратегияси” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли йўлга қўйиш ишлари такомиллаштирилган;

инновацион тафаккурнинг дивергент ва конвергент асослари интеллектуал ўйинда конструктив ва технологик-лойихавий қарор қабул қилиш тарзида намоён бўлиши ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканали “Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси 0-11-2261-сон маълумотномаси). Натижада, тафаккурда инновация, яъни янгиликнинг вужудга келиши, ўйин ва инновацион тафаккурнинг боғлиқлик томонлари, унинг креатив хислатлари ҳамда полифункционал томонлари кенг жамоатчиликка етказиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (7 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг “**Ўйин онтологияси. Фалсафа ва фан тараққиётида ўйин ғояси**” деб номланган биринчи боб тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда маданият ва маънавийт олами феномени бўлган ўйин ҳақидаги қарашлар эволюцияси ва унга доир назарий талқинлар, ижтимоий функциялари ҳамда ўйиннинг турлари онтологик ва эпистемологик ёндашув асосида таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг “**Ўйин биосоциал таракқиёт феномени сифатида**” параграфида ўйин маданий ҳодиса сифатида барча фанлар ва тафаккурнинг барча шаклларида қадимийроқ маънавий феномен эканлиги онтологик ёндашув асосида кўриб чиқилган бўлиб, унинг инсон ҳаётида, шу жумладан, биологик жонзотлар филогенез ва онтогенезида муҳим эволюцион ва функционал аҳамияти ўрганилган. Ўйин омили тизимни яшовчанлик ҳолатида тутиб туради ва ҳаётнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлиши таъкидланган. Тирик организмнинг яшаш шароити ва психо-физиологик структураларда мустаҳкамланган хатти-ҳаракатларнинг эркинлашишидан келиб чиққан ўйинлар инсон турмуш тарзининг шартига айланиб борган ва инсоний сифатларни ўзида мужассамлантирганлиги айтиб ўтилган.

Диссертациянинг “**Ўйин ҳақидаги қарашлар эволюцияси**” деб номланган иккинчи параграфида классик фалсафада ўйиннинг асосан ижтимоий, культурологик ва психологик томонлари хусусида билдирилган фикрлар таҳлил қилинган. Сукрот талқинига кўра, инсон ўйин ўйнаётган пайтида ҳаётга фаол аралашуви натижасида ҳақиқатга йўл очади. Платон эса «ўйин» тушунчасига энг чуқур онтологик тавсиф берди ва буни «Ўйнаб яшаш керак» деган тамойида ифодалади. Платоннинг ғоясига кўра, ўйиннинг асосини инсоннинг жамоавий ва индивидуал яшовчанлигига доир фаолият ва билишга интилиш ташкил қилади. Аристотель ўйин феноменини кўнгил очиш, роҳатланиш ҳолатлари билан боғлайди.

Ўрта аср мутафаккири, дин фалсафасининг асосчиси Аврелий Августин ўйин фаолиятини англашнинг фаол усули эканлигини кўрсатади. Немис мутафаккири Николай Кузанский ўзининг 1463 йилда ёзган “Шар билан ўйнаш” асарида ўйиннинг полифункционал жиҳатлари борлиги қайд қилинган. Буларга завқланиш, таълим бериш, бирон-бир ғояни тушунтиришда намуна ролини ўйнаш, ўйиннинг инсон қалбидан чиқиб, ҳаётга қадам ташлаши, ўйинда тасодиф ҳолатларнинг мавжуд бўлиши, ўйин тушунчасидан фалсафий тасаввурларни келтириб чиқариш имкониятлари мавжуд эканлигини киритади⁶. М.Монтень ўйинни инсоннинг ёши ва ижтимоий мақомидан қатъи назар, у учун зарурий эҳтиёжлардан бири сифатида қайд этади. Мутафаккир таълим жараёнида ўйиндан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳақидаги ғояни олға сурган⁷.

И.Кант ўйинга жамиятнинг комил аъзоси шаклланишдаги ижодий бошланма сифатида қарайди. Ф.Шиллернинг фикрича, инсон ўйнаётган пайтидагина инсондир, ўйин инсонни бурчдан ва мажбуриятлардан озод қилади, у инсонга эркинлик бахш этувчи жабҳа сифатида эътироф этилади⁸. Таъкидлаш жоизки, ХХ асрда ўйин феномени ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот объекти ва предметига айланди. И.Хейзинга, Хуго Ранер ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўйин хусусидаги тасаввурлар концептуал тизим даражасига кўтарилди.

⁶ Кузанский Н. Игра в шар // Кузанский Н. Соч. в 2 томах. - М.: «Мысль», 1980. - с.251.

⁷ Монтень М. О воспитании детей // Монтень М. Опыты. - М.: «Правда», 1990. - С.150

⁸ Шиллер Ф. Письма об эстетическом воспитании человека // Шиллер Ф. Собрание сочинений: В 7 томах. - Т. 6. -М., 1957-С. 251-358.

Шундай қилиб, классик фалсафа ва фан намоёндалари ўйиннинг инсон ҳаётида муҳим экзистенциал, гедонистик, эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги хусусида чуқур фикр-мулоҳазалар билдиришган.

Бобнинг **“Ўйин моҳиятини тушунишда асосий концептуал ёндашувлар”** деб номланган учинчи параграфида фалсафий рефлексия доирасида ўйин тушунчаси мустақил онтологик категориялар таркибига киритилганлиги эътироф этилган. Айтиш мумкинки, ўйинда инсоннинг яшаш тарзига оид атрибутив ва функционал хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар кейинчалик педагогика, психология, маданиятшунослик, этнография, антропология, социология ва бошқа фанларнинг тадқиқот объекти ва предметига айланиб борган.

Постноклассик фалсафада замонавий фан, технология ва глобаллашув жараёнларига бағишланган янгича талқинлар вужудга кела бошлади. Уларда (информацион ва компьютер инқилоби, интернет тизимининг тарқалиши шароитида) ўйиннинг олдин маълум бўлмаган қирралари таҳлил қилинади. Постноклассик фалсафада ўйиннинг моҳияти қайта кўриб чиқилиб, яъни унинг янги функциялари ва хилма-хиллашиб бораётган мақсадларга бўйсундирилиши асосий билиш ва амалиёт предметига айланиб бормоқда. Диссертацияда баъзи энциклопедик луғатларда ўйин “номахсул фаолият” кўриниши дея баҳоланишига эътироз билдирилиб, ўйинни махсулдорлик томонлари ёритиб берилди. Биз ўйинга қуйидагича ишчи таъриф бердик: Ўйин - психофизиологияси юқори даражада ривожланган жонзотларга хос хатти - ҳаракат (тақлид қилиш, ифодалаш, ютуққа интилиш) бўлиб, у эркин ҳаракат, муносабат ва мулоқот қилиш йўли билан мақсадга эришиш жараёнида завқ ва қониқиш ҳиссини вужудга келтирадиган фаолиятдир. Яна шуни таъкидлаш жоизки, фаолиятнинг бошқа ҳеч бир турида инсон худди ўйиндагидек ўзининг жозибали руҳий-физиологик ва интеллектуал ҳолатини намоёниш қила олмайди. Шу билан бирга, ўйиннинг интеллектуал (шахмат, математик, абстракт, яъни назарий-символик) моделлари бўладиги, уларда завқ ва қониқиш билан бирга мақсад, ютуқ ва креатив фикрлаш белгиловчи ўринни эгаллайди.

Мазкур бобнинг тўртинчи параграфи **“Ўйиннинг ижтимоий функциялари ва турлари хусусида ҳозирги замон талқинлари”** деб номланади. Ўйин тушунчасининг туб моҳиятига кириб борган сари унинг замирида кенг маънодаги ижтимоий, маънавий, интеллектуал, психологик, эмоционал ва функционал мазмун-маънолар мавжудлиги англанади. Биз бу тушунчага бирмунча аниқлик киритиш мақсадида ўйин абстракциясини қуйидагича семантик турларга таснифлашни маъқул топдик: ўйин ҳолати; ўйин жараёни; ўйин фаолияти; ўйин ҳодисаси; ўйин тушунчаси; ўйин концепцияси. Диссертацияда ўйин ҳақидаги қарашларни культурологик (ўйин соф маданиятшуносликка оид феномен сифатида), эпистемологик (ўйиннинг назарий моделлари, уларнинг адекватлиги, ўйин моделлари ва реаллик нисбати масалалари), фалсафий (ўйин муаммосининг онтологик ва гносеологик томонлари, онг ва тафаккурга таъсири, унинг инсонга нисбатан турли экзистенциал хислатларини намоён бўлиши, ўйиннинг

ижтимоийлашувидан келиб чиққан этик ва эстетик хусусиятлар эътироф этиладиган) концепцияларга ажратиб таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Ўйин ва унинг илмий - назарий концепциялари**” деб номланади. Бобнинг “**Ўйин илмий билиш предмети сифатида**” деб номланган параграфида бугунги кунда урбанизация, илмий-техник тараққиёт таъсирида ўйиннинг айрим анъанавийлари йўқолиб, янгилари вужудга келаётганлиги, ўйин элементларининг ижтимоий ҳаётнинг энг юқори қобиғига кўтарилганлиги билан ҳам боғлиқлиги таъкидланади. Шу нуқтаи назаридан ўйин феномени моҳиятига чуқур кириб бориш учун уни фалсафий ва метаназарий рефлексия предмети даражасида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаш мумкин.

Мураккаб тизимларнинг ўйин модели асосида моҳиятини очиш жараёнида предметларни, одамларни, турли физик ва математик қонунларни ҳамда шароитларни ўйинга қандай таъсир кўрсатишини ўрганиш ва билиш ҳам мумкин. Инсон билиш фаолиятини ҳам ўйин қоидалари асосида куриши мумкин. Айниқса, болалар ўйинларининг билиш, билим бериш жиҳатларини психологлар юқори баҳолашади. Хусусан, ўйинда бола ўз қобилятини, ўзининг психологик имкониятларини, муомалага киришишни ўрганади. Ўйинни илмий билиш предмети сифатида таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, *биринчидан*, ҳар хил ўйинлар ўзида ҳар хил билишга оид функцияларни, характеристикани намоён қилади. Жисмоний ва ақлий, икки кишилик ва гуруҳий, катталар ва болалар ўйинлари турлича шароит, турлича билиш жараёни ва фаоллик турини келтириб чиқаради;

иккинчидан, назарий ва амалий фаолият учун самарали натижани берадиган фикрлаш жараёнини ўрганиш борасида ўйин концепцияси, унга оид интеллектуал моделлар (масалан, креатив ўйин моделлари) манба ва асос бўлиши мумкин ҳамда эвристик туртки вазифасини ўтай олади;

учинчидан, фан ва ўйин ўртасидаги қиёслаштиришдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фан ва ўйин ўзаро чамбарчас боғлиқ жиҳатларга эга ҳамда фан ўйин учун ҳам объект ҳам тадқиқот предмети бўла олиши мумкин;

тўртинчидан, билиш ўйин жараёнида ахлоқий, ижтимоий ва психологик функцияларни бажаради. У ёки бу ўйиннинг ижтимоийлашиш ва институтлашиш даражаси унинг билиш имкониятлари кўламини белгилайди, ҳамда кишиларнинг ички ҳолати уларнинг қандай ижтимоий ўйинларга тортилганликларини намоён этади.

Мазкур бобнинг “**Ўйин назариялари ва уларнинг эпистемологик таҳлили**” деб номланган параграфида фанларда мавжуд ўйин назариялари ва уларнинг эпистемологик таҳлили амалга оширилди. Ўйин феномени, унинг моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти ҳар доим мутафаккирларнинг диққат-эътиборида бўлган. Антик, Ўрта аср файласуфлари ўйиннинг гуманитар, эстетик ва ижтимоий-маданий томонлари ҳақида қимматли фикрлар билдиришган. Янги замонда эса, ўйиннинг айрим жиҳатларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган илмий аппарат ва ёндашувлар ишлаб чиқилди. Масалан, азарт ўйинларда ютуқни

содир бўлиш частотасини (даражасини) аниқлаш учун тасодиф ва эҳтимол ҳодисалар, уларни ўлчаш ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш зарур эди.

Тасодиф ҳодисалар феноменини, уларни математик усул билан ўрганиш ғоясини биринчилардан бўлиб Г.Галилей олға сурди. Г.Галилейнинг бу ғояси кейинчалик Блез Паскал (1623-1662), Пьер Ферма (1601-1665), Христиан Гюйгенс (1629-1695)лар томонидан ривожлантирилган. Х. Гюйгенс, ҳаттоки, ўйинда тасодиф ва тасодиф бўлмаган ютуқлар ва ҳолатларни ўрганишга бағишланган “Азарт ўйинларни ҳисоблаш тўғрисида” (1657 й.) деб номланган махсус асар ёзган.

Шундай қилиб, бир турдаги ўйиннинг битта жиҳати (ютуқлар частотаси) математик билиш объектига айланди. Шу эпистемологик ҳолатдан ўйин моҳияти ва хусусиятини тавсифловчи назариялар яратилгунча яна бир неча асрлар ўтди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ўйин ҳақида бир-бутун концепциялар ва назариялар ишлаб чиқишга қаратилган илмий фаолият бошланди. Математика ва ижтимоий- гуманитар фанларда ўйин феноменини ўрганиш жиддий тус олди. Ўйин назарияси ва унинг моҳияти, ўйин ҳақидаги билимнинг воқеликка бўлган муносабати, унинг умумий ва назарий асослари каби масалада икки хил ёндашув вужудга келганини қайд қилишимиз мумкин.

Биринчидан, номологик ёки моҳиятли ёндашув, яъни бунда ўйин моҳияти, структуравий ва функционал қонуниятлари ҳақидаги турли назарий қарашлар, ўйиннинг умумназарий асослари ва ўйин назарияларининг таҳлили кўздан кечирилади. *Иккинчидан*, соҳавий ёндашув, яъни турли соҳалардаги яратилган ўйин назариялари, хусусан, иқтисодий ўйин назарияси, педагогик ўйинлар назарияси, математик ўйинлар назарияси кабиларни кўрсатиш мумкин. Демак, ўйин назариясининг эпистемологик таҳлилини бериш орқали унинг моҳиятига чуқурроқ кириш имконияти туғилади.

Тадқиқотда ўйин назариясининг эпистемологик томонларига эътибор қаратилди ва уни ташкил этувчи асосий тушунча ва тамойиллар, ғоялар, ёндашувлар комплекси очиб берилди. 1960-йилларда инглиз математиги Н.Ховард метаўйин назариясини яратди. Унга кўра, метаўйинлар бу шундай ўйинларки, уларнинг натижалари бошқа ўйинчилар учун қоидалар мажмуи ҳисобланиб, уларнинг мақсади – қоидалар мажмуи фойдасини кўпайтириш (кучайтириш)дир.

Математикада ўйинли ҳодисаларни математик аппарат ёрдамида қайта ишлаш мумкин бўлган ҳодиса сифатида тадқиқ қилинган алоҳида фан, яъни ўйинлар назарияси ажралиб чиқди. Математика учун ўйин бу - энг аввало, моделдир. Ўйинлар назарияси доирасида ишлаб чиқилган моделлар ёрдамида турли кўринишдаги ижтимоий-маданий ҳодисалар мазмунини ифодалаш мумкин.

Ўйинлар назарияси бу амалий математиканинг бўлими ҳисобланса-да, кўпинча, усул тарзда иқтисодда, айрим ҳолларда социология, политология, психология, этика ва бошқа фанларда ишлатилади. Шуни ҳам айтиш керакки,

турли томонлар иштирок этадиган, турли манфаатлар ва имкониятлар билан ҳамда шу манфаатларга хос бўлган стратегиялар билан бойитилган ҳодисалар тавсифи бўлган ихтилофлар модели ана шу ўйинлар назарияси доирасида тадқиқ қилинади.

Жамиятда, табиатда, умуман, борликда ҳар бир тизим ўзаро диалектик алоқадорликда, зиддиятли муносабатда, доимий ҳаракатда бўлади. Айнан ана шу жиҳатлар ихтилофлар моделида тасвирланиши мумкин. Бу масалага ўйин назарияси нуқтаи назаридан ёндашиш муаммонинг бир мунча осон ечилишига олиб келади. Демак, ўйинлар назарияси доирасида ишлаб чиқилган моделлар ёрдамида турли кўринишдаги ижтимоий-маданий ҳодисалар мазмунини ёритиш мумкин. Ўйин тушунчаси, ўйинлар назариясини нафақат аниқ - математик фанлар, балки ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, иқтисодиёт, психология, педагогика каби фанлар билан мавжуд алоқасини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда биз, иқтисодий билимларни эгаллаб боришда ишбилармонлик ўйинларнинг самарали томонини қайд этиб ўтдик.

Иқтисодий ўйинлар ўрганилиши ва кўнгилочарлиги билан ҳам кишини ўзига жалб қилади. Бу ўйинлардаги беллашув кишини ўз қамровига олиши билан бирга рақобат дунёсига ҳам олиб киради. Бугунги бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимизда шундай ўйинлар маъносини англашнинг аҳамияти катта, деб ҳисоблаймиз. Бу айниқса, иқтисодий ҳаёт, жараёнлар ва структуралар либераллаштирилаётган жамиятимиз учун ўта долзарб вазифа ва муаммодир. Бизнингча, иқтисодий ўйинлар мазмунини билиш нафақат бизнес мактаблар, иқтисодий мактаблар, олийгоҳлар талаба ва ўқитувчиларига, балки, бозор иқтисодиёти мазмун моҳиятини эгаллаш истагидаги кишилар учун фойдалидир. Айтиш жоизки, бу, албатта, кишиларнинг иқтисодий тафаккур маданиятини юксалтиришга, унинг инновацион жиҳатларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Педагогик технологияларда интерфаол методлар турли ўйин жараёнларидан ташкил топади. Бу эса бир жиҳатдан ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил этса, иккинчи томондан, ўқув жараёнида ўқувчи - талабанинг мустақил фикрлай олиши, ижодий ишлай олишига ҳам замин яратади. Тадқиқотда ижтимоий психологик ва интеллектуал билимдонликни оширишга хизмат қилувчи ўйиннинг икки тури: операционал ўйинлар ва ролли ўйинлар таҳлил этилди.

Шундай қилиб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий муносабатлар ва жараёнларнинг мураккаблашиши ўйинга оид янги назариялар ва илмий ёндашувларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда, ўйин феномени эса тармоқлашиб бораётган ижтимоий гуманитар ва аниқ фанлар объектига айланиши борасида ўзининг олдин маълум бўлмаган қирраларини ва хислатларини намоён этмоқда.

Учинчи боб **“Ўйин фаолиятида когнитив инновация: муаммолар ва талқинлар”** деб номланади. Мазкур бобнинг биринчи параграфи **“Мустақиллик йилларида инновацион тафаккур муаммосини қўйилиши, унинг назарий-методологик аҳамияти”**, иккинчи параграф

“Инновацион тафаккур концепцияси”, учинчи параграфи **“Инновацион тафаккур ва ўйин: концептуал алоқадорлик масалалари”** деб номланган. Биринчи параграфда мустақиллик йилларида инновацион тафаккур ғоясининг назарий-методологик асослари яратилганлиги, хусусан, биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг илмий-маънавий меросида инновацион тафаккур муаммоси янги жамият қуриш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилганини, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизимларида ва соҳалар фаолиятида бу муаммо катта ўрин эгаллаганига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Шу билан бирга, инновацион тафаккур муаммоси фалсафа ва фанда чуқур ўрганилаётганини, бу тафаккурнинг геймлик хусусиятларини ўрганиш янги масалаларини қўйиш имкониятини бераётганлигини, олинаётган натижалар назарий ва амалий фаолиятимизга янги қараш зарурлигини тақозо этаётганини таъкидлашимиз лозим.

XXI аср фалсафа ва фанида ўйин ғояси, ўйиннинг моҳияти ва типологияси, ўйин ва тафаккур ўртасидаги боғланиш жиддий онтологик, эпистемологик ва конкрет илмий соҳавий тадқиқотлар предметига айланиб бормоқда. Ўйин инсонга хос бўлган ижтимоий, интеллектуал фаолият сифатида тафаккурга бевосита таъсир кўрсатади. Аммо бу биз айтмоқчи бўлган ҳолат эмас, эътиборимизни тортган жиҳат инсон ақлий фаолиятдан келиб чиқадиган тафаккур юритиш жараёнида ўйин элементлари учрайдими, йўқми? Мана шу масала устида сўз юритар эканмиз, баъзан қайси бир ўйин жараёнларида тафаккур комбинацияларининг ўйинга хос бўлган эркин, мутлақ чегараланмаган даражаларини учратамиз. Бу тафаккурнинг ўзига хос инновацион ҳолатини келтириб чиқишини намоён этади.

Иккинчи параграф **“Инновацион тафаккур концепцияси”** деб номланади. Тадқиқотда унумли тафаккур, ижодий тафаккур ва инновацион тафаккур турларининг фарқли ва ўхшаш томонлари кўрсатилиб, бири иккинчисини тақозо қилиш ҳолатлари эътироф этилган. Бизнингча, устувор фаолият сифатида янги ғоялар, концепциялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган тафаккурни шунчаки унумли эмас, балки инновацион тафаккур деб белгилашга асос бор.

Маълум маънода, «унумли тафаккур» атамаси «инновацион тафаккур» атамасига қараганда кенгроқ мазмунга эга. Йўналтирилган, соҳавийлашган инновацион тафаккурни шаклланиши заминида янгиликни ишлаб чиқиш, татбиқ қилиш ва тарқатишга қаратилган ақлий меҳнат жабҳалари бўлган инновацион корхоналарнинг вужудга келиши ётади. Унумли тафаккурда янги ғоя ишлаб чиқилса-да, аслида у назарий ва амалий фаолият учун зарур бўлган ва самарали натижани берадиган фикрлаш жараёнидир. Шу билан бирга, бу жараён ихтисослашиб бориши ва такомиллашиши мумкин.

Ақлий меҳнат соҳасида кашфиёт, ихтиро, янги ғоя ва лойиҳа ишлаб чиқишга олиб келадиган унумли тафаккур тизимли, изчил ва мунтазам бўлган тақдирда, инновацион тафаккурга айланади. Шунини таъкидлаш жоизки, инновацион тафаккур, унинг моҳияти ва турлари масаласи фалсафий рефлексиянинг нисбатан янги муаммоси бўлгани боис, адабиётларда унинг умум қабул қилинган таърифи ёки талқини мавжуд эмас. Тадқиқотчилар

турли хилдаги эпистемологик, методологик, онтологик ҳамда назарий мавқеларда туриб инновацион тафаккурнинг турли мазмундаги таърифларини беришмоқда. Таҳлил шуни кўрсатадики, берилган таърифларда инновацион тафаккурнинг когнитив-эпистемологик хусусиятлари очиб берилмаган. Инновацион тафаккур муаммосини тадқиқ қилиш соҳасидаги эпистемологик ҳолат мавжуд концептуал ёндашувларни тизимли концепция ёки назария даражасига етказиш истиқболӣй вазифа эканлигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг ушбу параграфидан келиб чиққан хулосаларимиз қуйидагича бўлди:

биринчидан, ҳозирда дунёда янгиликка бўлган интилиш, янгиликни татбиқ қилиш орқали такомиллашиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини яратиш доимий жараён тусини олганлиги туфайли, ижтимоӣй янгилиниш, унинг назарий ва амалӣй масалалари тадқиқот предметига айланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, инновацион тафаккур ғоясини шаклланишига олиб келди.

иккинчидан, инновациялар инновацион тафаккурга эга бўлган индивидлар томонидан амалга оширилади. Инновацион тафаккурнинг объектлашуви инновацион таълимни яратиш орқали юз беради. Инновацион таълим эса, ўз навбатда, бўлғуси мутахассисларда турмушнинг мазмуни ва уни қайта ишлаб чиқаришни тушунишнинг ривожланишига ёрдам беради, бу билан шахсни инновацияларни рўёбга чиқаришга ундовчи инновацион тафаккури шаклланади;

учинчидан, ижодий фаолиятни тафаккур ва ҳаёт тарзини ўзгартиришга олиб келадиган инновацион фаолият даражасига кўтарилиши инновацияга бўлган субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив (ижтимоӣй мақсад, буюртма, тараққиёт босқичи ва бошқалар) шарт-шароитлар ва омилларга боғлиқ.

Биз инновацион тафаккурнинг моҳияти ва айрим хислатларини, унга берилган концептуал талқинларни кўриб чиқдик. Савол туғилади: инновацион тафаккурнинг геймлик (ўйинга хос) хислати мавжудми?

Шу нуқтаи назардан, учинчи бобнинг учинчи параграфи **“Инновацион тафаккур ва ўйин: концептуал алоқадорлик масалалари”**га бағишланган.

Инсон қайси фаолият билан шуғулланмасин, уларнинг барчаси ўйин жабҳасига тортилиши мумкин. Ўйин орқали инсон ўзи ва воқеликни англайди, ўзлаштиради, табиӣй, шахсиятли ва ижтимоӣй феноменларга тақлид қилади, у ёки бу рол ўйнайди. Инновацион тафаккур ҳам ўйин жабҳасига тортилиши мумкин бўлган интеллектуал фаолиятнинг бир туридир. Инновацион тафаккурда ўйиннинг намоён бўлиши турли шакл ва моделларда ўз ифодасини топади.

Инновацион тафаккур ва ўйинни бир-бири билан боғлайдиган икки жиҳат мавжуд: 1. Инновацион тафаккурда ўйин жараёнларини намоён бўлиши, яъни тафаккурда содир бўладиган семантик-маъновӣй ўйинлар, образлар ва тасаввурларнинг ўзига хос (қаердадир детерминлаштирилган, қаердадир хаотик, виртуал кўринишидаги) ўйини содир бўлиши;

2. Инновацион тафаккурни шакллантирадиган интеллектуал ўйинларни яратиш ва улардан фойдаланиш.

Шундай қилиб, инновацион тафаккур концепцияси ўйин назарияси, унинг асосий тушунчалари ва ғоялари билан бойитилиши имконияти борлигини кўришимиз мумкин. Мазкур эпистемологик имкониятнинг асосида ҳам тафаккур, ҳам тил коммуникацияси жараёнларида ўйин ёки уни ўхшатадиган хислатни мавжудлиги ётади. Тилнинг лингвистик ва семантик хусусиятларини ўрганар экан, Ғарб фалсафасининг йирик намоёндаси Л.Витгенштейн ўтган асрнинг ўрталарида тил ўйини концепциясини ишлаб чиқди. Тафаккур, хусусан, инновацион тафаккурга хос бўлган интеллектуал-семантик ўйин ғояси кўп жиҳатдан шу файласуфнинг ишлаб чиққан концепциясига асосланади. Тил ўйини феномени тилни ўрганишда, лингвистик коммуникацияни амалга ошириш имкониятини берадиган норматив қоидаларни ўрганишда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Тил ўйини, биринчи навбатда, интерсубъектив коммуникация (индивидлараро мулоқот) экан, тил ва тафаккурнинг ўзаро таъсири майдонларида намоён бўладиган лингвистик ва образли-семантик ўйинларнинг роли ҳамда аҳамиятини тадқиқ қилиш олдинги ўринга чиқади. Мазкур муаммони ўрганиш тил ўйини ва инновацион тафаккур ўртасидаги алоқадорликни тадқиқ қилиш учун йўл очиб беради. Инновацион тафаккурда ўйиннинг намоён бўлиши турли шакл ва моделларда ўз ифодасини топади.

